

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Гадоймиролов Бекзод Обиджон ўғли¹
¹ ИИВ Академияси ўқитувчиси капитан

МАҚОЛА МАЪЛУМОТИ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 30.10.2024

Revised: 31.10.2024

Accepted: 01.11.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Вояга етмаганлар,
Вояга етмаганларга
ижтимоий-хуқуқий
ёрдам кўрсатиш
маркази,
назоратсизлик,
қаровсизлик, ота-она
ёки ота-она ўрнини
босувчи шахслар,
ижтимоий жиҳатдан
хавфли аҳволдаги
оилалар.

АННОТАЦИЯ:

Уибу мақолада вояга етмаган болаларнинг жамиятда қай даражада ўрини муҳим эканлиги, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратисиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларга “Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази”га жойлаштири ва марказнинг фаолияти бўйича баъзи бир камчилик ва таклифлар келтирилган.

КИРИШ.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва хукуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон хукуқ ва эркинликларини, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди, халқимизнинг

муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди⁴⁵.

Ҳар бир мамлакатнинг эртанги куни унинг ёшларга доир амалга оширилаётган ишлари билан боғлиқдир. Жамиятда вояга етмаган ўз ўрнини топиш, ватан равнағига ўз ҳиссасини қўшиш ва келгуси ҳаёт йўлида ижобий ютуқларга эришиш учун енг аввало, оила ва унинг атрофидаги мухит соғлом бўлиши зарур. Вояга етмаганлар атроф мухитга тезда жавоб беришадиган тоифага мансуб бўлишади. Яъни ўзлари кўрган ёки эшитган воқеийликка тезда тақлид қилишади. Бу уларга қай даражада фойдали ёки зарарли эканлиги улар учун реал вақт доирасида қўйи погоналарга тушиб қолади.

Ташқи ва ички мухит вояга етмаганнинг ҳаётида комил инсон сифатида шаклланишида мухим ўрин эгаллади. Шу боисдан вояга етмаган билан ишлашда енг аввало унинг оилавий мухити соғлом бўлиши зарур. Жамиятда соғлом мухитга эга бўлмаган оилалар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатадилар. Натижада оиладаги салбий мухит сабабли вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланиш ва ўтиш давридаги ўспиринлар билан ишлашда уларнинг қизиқишлигини шунингдек, уларнинг хоҳиш ва истакларини ўрганиш, уларга руҳий жиҳатдан далда бериш ва тўғри йўлни кўрсатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Бу эса ўз навбатида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратисиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига мухтоҷ бўлган вояга етмаганларнинг ўз ҳаёт йўлларини топиш ва жамиятга ўз ўрнига эга бўлишда қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Натижада, вояга етмаганлар олдида пайдо бўлган қийинчиликларни бартараф этишда заифлик қилишади. Ўз мақсадларига тез ва осон эриши, тенгқурлари орасида етакчи ва обрўга эга бўлиш каби ғоялар таъсирида вояга етмаганларнинг аксарият қисми томонидан хукуқбузарлик содир этилишига олиб келмоқда. Жамиятда вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратисиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига

⁴⁵ Боборахимов А., Қавомов А. Ҳукуқбузарликлар профилактикасида “Ижтимоий профилактика” тушунчаси ва уни амалга оширишдаги чора-тадбирлар тизими //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 34-38

муҳтож бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида кўплаб амалий ишлар олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори асосида хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гурӯҳлари ҳамда вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологлар томонидан вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни кучайтириш мақсадида ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни вояга етмаганларга ижтимоий хукуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилиш, саклаш ва вояга етмаганлар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб бориш тартиби белгиланди. Шунингдек, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан хукуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, хукуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизимининг асосий вазифалари белгилаб берилди⁴⁶.

Вояга етмаганларни ўз вақтида тўғри йўлга бошлашда жамиятнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Айниқса, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратисиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оиласаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларга ижтимоий хукуқий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш ишларини амалга ошириш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади⁴⁷.

Шу боисдан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига асосан, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар

⁴⁶ Ўроқов Ж. Р. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг муаммолари //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 21. – №. 4. – С. 44-50.

⁴⁷ Эгамбердиев В. Хукуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ва хориж тажрибаси //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 195-205.

назоратисиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволдаги оиласарда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказлар”га қабул қилиб, уларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик хусусиятлари, қобилиятлари, қизиқишилари, ижтимоий мослашуви ва реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш, вояга етмаганларга тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, ижтимоий жиҳатдан оғир ахволда бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар йўтасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича якка тартибдаги профилактика ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда маълум бир йўналишларни очик қолганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан:

- Марказда сақланаётган вояга етмаган бир нафар бола учун марказ томонидан қанча соат дарс машғулотини тинглаш нормаси ВМнинг қарорида кўрсатилмаганлиги;
- Марказда сақланаётган вояга етмаган болани тиббий кўрикдан ўтказиш уларга тиббий ёрдам кўрсатиш айниқса киз болалар учун гинеколог мутахассис ажратилмаганлиги;
- Марказда сақланаётган вояга етмаган шахсларни туман судига вояга етмаганни олиб келишни талаб қилаётганлиги, судлар томонидан онлайн кўрилмаётганлиги яшаш жойи бўйича шаҳар-туман судларга олиб бориш учун масофани узоклиги, ходим ва вояга етмаган кўп вақт судда бўлиши кабилардир.

Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаган болаларни сақлаш муддатини бир ойдан камида уч ойгача узайтириш бу уларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда марказга жойлаштирилган вояга етмаган билан бир неча маротаба профилактик ишлар олиб борилишига қарамасдан, марказдан чиққандан сўнг тарбияси ва юриш-туришларида камдан кам ҳолатларда ўзига хulosा қилганлигини кўришимиз мумкин.

Шу боисдан марказдан чиқаётган вояга етмаганлар билан якка тартибда сұхбат үтказилиб, унинг тузалиш йўлига ўтган ёки тузалиш йўлига ўтмаганлиги бўйича хulosага ва марказ қоидаларига қай даражада амал қилганинига асосан қолиш муддатини яна узайтириш чораларини кўриш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4342-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон қарори.
3. Адхамов З. А. Ижтимоий профилактиканинг вояга етмаганлар ва ёшлар тарбиясидаги ўрни //world of science. – 2024. – Т. 7. – №. 4. – С. 23-28.
4. Кушбаков Д., Эгамбердиев В. Профилактика инспекторининг криминоген вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш фаолияти //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 194-198.
5. Абдугофаров А. “Хавфсиз маҳалла” тамойилининг хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи орган ва муассасалар фаолиятига тўлақонли ва самарали жорий этиш механизmlари //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 5-11.
6. Утепов Д. Ш. Республикамида хотин-қизларнинг хукуқларини таъминлаш ҳамда оиласиий зўравонликни олдини олишнинг долзарб муаммолари //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – Т. 46. – С. 543-549.